



**Афғонистондаги Куръони Каримга нисбатан хакорат каби воқеалар мусулмонларни газаблантиришдан ҳам кўра, уларни олдингидан ҳам кўпрок илохий каломга диққат-эътибор қаратиш ва муқаддасотлар ҳамда Исломи дини олдидаги масъулиятсизликларини тузатиш сари бошлаши зарур.**

Мавританияда яшовчи франциялик мусулмон ёзувчи ва журналист Ян Мансур Тавфик дў Гренж Эрон Куръон ахборот агентлигига берган интервьюсида юқоридаги сўзни айтиш билан бирга шуларни таъкидлади: «Тўғри, Куръонга нисбатан ҳурматсизлик ҳар бир мусулмонни газаблантиради, аммо Исломи жамияти фақатгина илохий калом хакоратлангач, унга диққат-эътиборини қаратиши аянчли ҳолдир».

У ўз сўзига яна шуларни илова этди: «Куръони Каримни хакоратлаш ҳаракати такрорланишига нисбатан газаб ва нафрат билдириш билан бирга, бу каби воқеалар мусулмонларнинг иймонлари, эътиқодлари ҳақида тафаккур қилиш ва Исломи дини дастурларига диққат-эътибор қаратишликка чорлаши керак. Бугунги кунда айрим кимсалар исломий муқаддасотларни таҳқирлашга журъат қилишаётганининг асосий сабабларидан бири мусулмонларнинг ўзлари илохий каломга бефарқ ва эътиборсиз бўлиб қолишганидир».